

Мусулмон шифокорларга Рамазон совғаси берилди



16:30 / 12.04.2021 2167

Тиббий мутахассис ва блогер ҳамшира Юсра Буюк Британиянинг турли хил хайрия ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойи муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларига совғалар етказиб берди.

Рамазон ойида кўплаб рўза тутадиган тиббиёт ходимлари қуёш чиққандан қуёш ботгунча овқат ва ичимликсиз юришади. Иссиқлашганда, рўза кўпчилик учун қийин бўлади.

Совға сифатида мусулмон шифокорларга чўнтак жойнамоз, қўл ювиш воситаси, китоблар, термослар ва бошқа нарсалар ҳадя қилинди.

Бундан ташқари ҳамшира Юсра эркаклар ва аёллар учун совға сумкаларини тайёрлади.

«Кўплаб ташкилотлар мусулмон бўлган тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлашга қарор қилишганидан хурсандман», дейди ҳамшира.